



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 20 август, № 163 (6346) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Энг улуг, энг азиз байрамимизга юртимиз энгил саноати ходимлари ҳам муносиб совға ҳозирлашмоқда.

Энгил саноат тизимида янги лойиҳалар

Гап шундаки, айём арафасида 18 та замонавий саноат корхонаси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати қарийб 100 миллион АҚШ доллари тенг бўлган мазкур янги қувватлар ишга туширилиши туфайли 1000 та иш ўрни яратилиши, тармоқнинг экспорт салоҳияти 43,1 миллион АҚШ доллари орқали қўллаб-қувватланади.

Бу ҳақда пойтахтимизда "Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган анжуманда маълум қилинди.

Таъкидландики, истиқлол йилларида соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, замонавий ишлаб чиқариш объектлари барпо этилаётгани, мавжудлари тубдан модернизация қилинаётгани туфайли энгил саноат иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланди.

(Давоми 2-бетда).

Кўшимча даромад манбаи

"Jizzax Plasteks" масъулияти чекланган жамиятида пахта толаси харид қилиш ҳажмини кўпайтириш масдани туриб, калава ип ишлаб чиқаришни йилга бир неча минг тоннага оширишга эришилди.

Бунинг учун корхона жамоаси Германиядан 200 минг АҚШ долларлик замонавий ускуналар харид қилди. Натижада бу ерда пахта хом ашёсини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган чикитдан яна маҳсулот тайёрлаш ўзлаштирилди.

Таъкидлаш керакки, айни пайтга қадар "Jizzax Plasteks"да ҳар йили 3 минг тоннага чикитни ҳосил бўлиб, у қўшни давлатлардаги турдош корхоналарга жуда арзон баҳода сотиб юбориларди. Эндиликда уни қайта ишлаш орқали йилга 2 минг тонна калава ип олинмоқда. Шу билан бирга, корхонада янги ишлаб чиқариш йўналиши фойдаланишга топширилиши натижасида 25 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Тождин КАМАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сифатли техник хизмат

Гулистон шаҳридаги "Гулистон экскаватор техно сервис" масъулияти чекланган жамиятида "Вольво", "Дусон", "Люгон" ва бошқа замонавий русумдаги экскаваторларни сошлаш ишлари қўлама кенгайиб бормоқда.

— Мутахассисларимиз малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди жамият раҳбари Уктам Худойназаров. — Яъни уларнинг пойтахтдаги турдош корхоналарда тажриба орттириб келишларини йўлга қўйдик. Шунингдек, ўзимизда ҳам хорининг замонавий экскаваторларини таъмирлашга оид қўллашларимиз асосида ўқув-амалий машғулотлар ўтказаямиз.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Экологик соф ва мустаҳкам

Қорақалпоғистонлик олимлар томонидан маҳаллий минерал хом ашёлардан силикат гишт олиш технологияси ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси, ушбу экологик соф қурилиш материални тайёрлашда оҳак ва бархан куми қўлланилди, холос.

— Силикат гишт ишлаб чиқариш оддий технологик жараён бўлиб, унинг мустаҳкамлигини ошириш учун минерал хом ашё ва саноат чикитидан фойдаланиш мумкин, — дейди лойиҳа муаллифи Шарифой Тўрамуратов. — Бундай маҳсулот тайёрлаш аънанавий гишт ишлаб чиқаришга нисбатан икки баравар кам ёқилги, уч баравар кам электр, икки ярим баравар кам ишчи кучи талаб қилади. Бу унинг таннархи арзонлигини ҳам таъминлайди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА



ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан пойтахтимизда шу номда ёшлар фестивали бошланди.

Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда фан, таълим-тарбияга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Президентимизнинг бекиёс гамхўрликлари туфайли ёшларимизнинг баркамол бўлиб улғайишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эртамиз эгаларининг замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия олиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқаришида муҳим аҳамият касб этапти.

Бунинг самараси ўлароқ, сўнгги йилларда кенг дунёқарашга, қатъий ишонч ва эътиқодга эга, мустақил фикрлайдиган, Ватанимизнинг янада раванг топиши учун муносиб ҳисса қўшишга ин-

тилаётган янги авлод мутахассислари тайёрланди. Кўплаб йигит-қизларимизнинг турли халқаро мусобақалар, фан олимпиадаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритаётгани эса барчамизга алоҳида ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан кеча пойтахтимизда бошланган "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!" шiori остидаги "Истиқлол фарзандлари" деб номланган ёшлар фестивали ҳам баркамол авлодни қўллаб-қувватлашга қаратилган эзгу тadbирлардан биридир.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим,

Халқ таълими вазириликлари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу фестивалда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонини соҳиблари, халқаро олимпиадалар, турли спорт мусобақалари, танловлар ғолиблари, фаол ёшлар қатнашмоқда.

Тadbирнинг биринчи куни юртимизнинг Бош майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйиш маросими билан бошланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси асосида бунёд этилган бу ердаги ҳар бир иншоот ёшларда катта таассурот қолдирди.

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ВА ЖАҲОН

1 сентябрь куни Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигини нишонлайди. Ушбу кутлуғ сана арафасида Озарбайжоннинг етакчи оммавий ахборот воситалари ўзларининг электрон порталларида республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид хабар-мақолаларни чоп этишаётгани кузатилмоқда.

Ўзбекистон Озарбайжон оммавий ахборот воситалари нигоҳида

Жумладан, Озарбайжоннинг "Trend" ахборот агентлиги мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида қўлга киритган муваффақиятларига бағишланган мақолани эълон қилди.

Унда қайд этилганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг чуқур ислохотлар ўтказиш борасида ўз йўлини танлаб олди ва кейинги 24 йил мобайнида барча соҳада катта ютуқларга эришди. "Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ислохотларнинг "ўзбек модели" мазкур муваффақиятларнинг бош омилли, амалга оширилаётган кенг қамровли ҳамда тизимли ўзгаришлар асоси бўлиб қолмоқда.

Тараққиётнинг бу модели беш машур тамойилга асосланади. Мақола муаллифи уларнинг ҳар бирини санаб ўтиши баробарида, ушбу тамойиллар асосида

мухтасар тушунтиришларни ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола этган.

Day.az электрон портали ҳам мамлакатимизга бағишланган материалда Ўзбекистон иқтисодиётида эришилган муваффақиятларга алоҳида эътибор қаратган. Унда таъкидланганидек, "Изчил ўсиб бораётган иқтисодиётга ва юксак салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон қудратли, саноати ривожланган давлатга айланди. Мамлакатда замонавий юқори технологиялар қўлланилиши ҳисобидан ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 25 фоизга етди. Экспортга мўлжалланган ҳамда рақобатбардод маҳсулотларнинг 60 фоиздан зиёди юқори технологияга асосланган тармоқларда ишлаб чиқарилмоқда".

(Давоми 2-бетда).

Салоҳиятимиз кўзгуси

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан бермай бўладими?! Йигирма тўрт йил ичида қанчадан-қанча иморатлар тикланмади дейсиз?! Хўш, бу ким учун, нима учун? Албатта, биз, фарзандларимиз, эртанги ёруғ келагимиз учун. Зеро, яратувчанлик ишларини олий мақсад, деб билган эл, албатта, муродига етади.

Абдумутал НАЖМИДИНОВ, «Маҳалла» хайрия жомат фонднинг Ўйчи тумани бўлини маси раиси.

УМУМХАЛҚ ХАЙРИЯ ҲАШАРИ

Ҳамжиҳатлик ва бунёдкорлик

шу йилнинг 22-23 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарида ўз ифодасини топади

Яна санокли кунлардан кейин мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамини нишонлаймиз. Зотан, истиқлол боис ўзлимиз, инсоний ҳақ-хуқуқ ҳамда қадр-қимматимиз тикланиб, халқимиз асрлар давомида интилиб яшган ва курашган бебаҳо неъмат аҳамиятини теран идрок этаёلمиз. Босиб ўтилаётган оғир ҳамда машаққатли, айни пайтда шарафли бўлган бу йўлда улкан ютуқларни қўлга киритиб, юксак марраларни забт этаёلمиз.

Шу кунларда юртимиз барча ҳудудда энг улуг, энг азиз айёмга қизгин ҳозирлик кўриломоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан жорий йилнинг август

ойи мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги сифатида эълон қилинган. Шу муносабат билан жойларда бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари жадал тус олди. 22-23 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарида бу борадаги тadbирлар қўлама янада кенгайиши, шубҳасиз.

Истиқлол шарофати билан миллий урф-одатларимиз ҳамда улар замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуглаш, ижтимоий ҳаётда вужудга келаётган турли масалаларни биргалашиб ҳал этиш каби ибратли қадриятлар тобора мустаҳкамланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик" қўшма лойиҳаси доирасида "E-Sud" миллий электрон суд иш юритуви тизими жорий этилган судларга оммавий ахборот воситалари ходимлари учун пресстур ташкил қилинди.

Миллий электрон суд иш юритуви тизими кенгаймоқда

Тadbирда сўз олганлар юртимиз суд-хуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар — суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳага оид қонунчиликни либераллаштириш, тизимни бугунги кун талаби даражасида демократлаштириш ҳамда судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, пировардида эса инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя

қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун юқори самара бераётганлигини алоҳида таъкидлашди. Бу борада, албатта, мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасини ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асоси тўлиқ шакллантирилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жорий йил 10 июнь куни эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ай-

рим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексида ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, фуқароларнинг судга ариза ва илтимосномаларни электрон шаклда юбориш тартиб-таомиллари белгиланди.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРХИ

7,5 мингдан зиёд хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда

2012 — 2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижроси доирасида бажарилган бу ишлар хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, сифатини янада яхшилаш, ялпи ички маҳсулотда ушбу соҳа улушини кескин ошириш имконини берди.

Ўзбекистон Озарбайжон оммавий ахборот воситалари нигоҳида

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мақолада қайд этилганидек, тарихан қисқа даврда иқтисодий 5,5 баробардан зиёд ўсди, аҳолининг аниқ даромадлари жон бошига ҳисоблаганда қарийб 9 баробар ошди. "Ўтган вақт мобайнида миллий иқтисодиётга жалб қилинган 190 миллиард АҚШ доллари микдоридидаги сармоялар, шу жумладан, 65 миллиард АҚШ долларидан зиёд хорижий сармоялар ҳисобидан автомобилсозлик, нефть ва газ қиммати саноати, нефть-газ ҳамда темир йўл машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари, маиший электроника ишлаб чиқариши, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати сингари янги тармоқлар барпо этилди", дея ёзилади Day.az. ахборот порталида.

Мақолада айтиб ўтилганидек, бугун мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғида мутлақо янги иқтисодий муносабатлар шаклланди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг йўл очилгани шарофати ўлароқ, айни пайтда юртимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90-92 фоизи фермер хўжалиқлари томонидан етиштирилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг катта қисми импорт эвазига қондирилган 1990 йилга таққослаганда, бугунги кунга келиб, зарур маҳсулотларнинг 96 фоизини ички ишлаб чиқариш таъминламоқда.

"Шу билан бирга, — деб ёзилади Day.az ахборот порталида, — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидидаги ҳиссаси 56 фоиздан зиёдини ташкил этапти. Бу соҳада иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилмоқда".

Report.az электрон саҳифасида эълон қилинган бошқа бир мақолада ҳам республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар тўғрисида ахборот берилган.

ши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши таъминланаётгани қайд этилган. Унда ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалиги ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ бошқа соҳаларга йўналтирилаётгани алоҳида таъкидланган. Аҳолининг репродуктив саноатининг, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этишга ажратилаётган маблағлар оналар ўлимининг икки баравардан зиёд, болалар ўлимининг уч баравар камайтириш имконини берди. Ирсий ва турма нуқсонли болалар туғилиши икки баравар камайди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ўртача умр кўриш 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга) ошди, бунда аёлларнинг ўртача умр кечирishi 75 ёшни ташкил қилмоқда.

Мақолада муайян ижтимоий соҳага давлат ва жамият томонидан қатъий эътибор қаратилгани ҳолда, ҳар бир йилга ном берилиши Ўзбекистонда яхши аънаёнага айланган хусусида ҳам аҳолининг фикри юритилган. Муаллиф Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан 2015 йил мамлакатда "Кексаларни эъзозлаш йили" деб эълон қилинган ҳақида тўхталар экан, кексалар, авваламбор, фашизм устидан қозонилган Ғалаба ҳамда Ватанимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшган 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кўчаптириш, ёши улуг инсонлар, биринчи

навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ҳамда маиший хизматлар рўйхатининг кенгайганини таъкидлайди. "Қабул қилинган Давлат дастури доирасида 2,25 триллион сўм микдорига (229,6 миллион АҚШ долларига тенг) маблаг ажратилган", дея хабар берилди нашрда.

"Интерфакс-Озарбайжон" ахборот порталида ёритилган мақолада эса давлатимиз томонидан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида аҳолининг фикри юритилган. Сўнгги беш йил мобайнида 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди, 523 та спорт иншооти ҳамда 100 дан зиёд суоши хавзалари қурилди. Бугунги кунда уларда 2 миллион нафардан зиёд ёшлар, жумладан, 840 минг нафардан ортиқ қизлар спорт билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Мақолада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмағида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" мавзусида ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам ўқувчилар эътиборига хавола этилган. "Ушбу тадқиқотга кўра, Ўзбекистон "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" рейтингига 158 мамлакат орасида 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаган", дея таъкидланади "Интерфакс-Озарбайжон" ахборот порталида эълон қилинган мақолада.

Озарбайжоннинг **"Ethnoglobus" ахборот агентлиги** ҳам ўз муштарийларига юртимиз аҳолиси ўртада соғлом турмуш тарзининг юксалиб бораётганини билдириб, мамлакатимиз умумтаълим мактаблари хузурида фаолият кўрсатаётган фан тўғрисида ва спорт секцияларида 482,1 мингдан зиёд болалар шуғулланаётганини қайд этади. "Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида мактаблар ҳамда маҳаллаларда 6,5 мингдан ортиқ спорт секциялари ишлаб турибди. Спортга жалб этилган болаларнинг умумий микдори 12,3 фоиздан ошади", дея ёзилади мақолада.

«Жаҳон» АА. Боку

ҚУЛАЙЛИК

Самарқанд шаҳридаги Чашма маҳалласининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Обод маҳалла

Айтиш керакки, шу пайтгача мазкур маҳалла идораси эски бинода фаолият кўрсатаётганди. Бу эса нафақат ходимлар, балки худуд аҳолиси учун ҳам ноқулайликлар туғдираётганди.

Ҳашар йўли билан бунёд этилган ушбу муҳташам иншоот қошида "Шаббода" деб номланган болалар истироҳат боғи ҳам ташкил этилди. Хиёбон марказида эса мўъжаз фаввора қурилди. Шунингдек, бу ерда турли салқин ичимликлар билан савдо қилувчи шохобчалар фаолияти йўлга қўйилди. Натижада 20 дан ортиқ иш жойлари ташкил этилди.

— Маҳалламизда икки минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулсара Жўрақуллова. — Бунёдкорлик ишлари ҳисобига худудимиз маркази янада гўзаллашиб, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган энг сўлим масканлардан бирига айланди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақилликимизнинг 24 йиллиги шодиёналари арафасида "Истиқлол фарзандлари" ёшлар фестивалининг ўтказилаётганидан жуда мамнунмиз, — дейди спортнинг таэквондо бўйича тўққиз қарра Ўзбекистон, икки қарра Осиё, икки қарра жаҳон чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибига Дилбархон Холжигитова. — Ушбу анжуман жонажон Ўзбекистонимизда биз, ёшларга жуда катта имкониятлар яратиб берилаётганининг бир ифодасидир. Бизнинг Ватанимиз олдида адо этишимиз керак бўлган бурч, қилажак хизматларимиз ҳали жуда кўп. Юртимиз тараққиётига муносиб улуш

қўшиш биз, ёшларнинг энг улуг мақсадиимиз ҳисобланади.

Фестиваль иштирокчилари Ёшлар ижод саройида ташкил этилган "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам!" мавзусидаги ижодий ишлар, инновацион ва бизнес гоялар тақдироти ҳамда "Ватанимга муҳаббатим изҳори" номили акция якунига бағишланган кўргазмада ҳам қатнашди. Қўл меҳнати ва қалб кўри билан ясалган ҳар бир ижод намунаси йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, турли ранглар жиосини ўзида акс эттирган миллий либослар, имконияти чекланган болалар марказлари ўқувчиларининг иқтидорини намойён қилувчи расмлар, нақшинкор санъат асарлари ва ҳайкалтарошлик на-

муналари иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбир дастуридан ўрин олган "Ўзбекистон ёшларининг рекордлари" мавзусидаги тақдирот, истеъдодли йигит-қизлар билан ўтказилган учрашув ҳам ўзига ҳос унутилмас онларни тақдим этди.

Фестивалнинг дастлабки кунини Ёшлар ижод саройида ўтказилган Ёшлар йиғма симфоник оркестри ва иқтидорли ёш опера ижрочиларининг гала-концерти билан якунланди.

Ёшлар фестивали 22 августга қадар давом этади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ оғлан суратлар.

Енгил саноат тизимида янги лойиҳалар

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бугунги кунда ушбу жабҳадаги қорхоналар йилига 450 минг тонна қалава ип 296 млн. кв. метр газлама, 90 минг тонна трикотаж мато, 270,2 млн. донна тикуччилик-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга экани, тизимда 70 минг нафардан зиёд киши меҳнат қилаётгани бунга асос бўла олади.

Қолаверса, экспорт ҳажми йил сайин ошиб, дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатларига тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари етказиб берилмоқда. Бошқача айтганда, 1991 йилда хорижга атиги 7 млн. долларлик маҳсулот сотилган бўлса, ўтган даврда бу кўрсаткич 120 баробар

ортиди. 2015 йил якуни бўйича эса 1 млрд. доллар етказилиши кутилапти.

Компания мутахассисларининг айтишича, бу заминомизда етиштирилган пахта хом ашёсини ўзимизда чуқур қайта ишлаш суръатини босқичма-босқич ошириш, чет эл инвестициясини жалб қилиш бўйича кўрилаётган тизимли чора-тадбирлар, айниқса, соҳага татбиқ этилаётган қўшимча имтиёзлар самарасидир. Бу каби қулай шарт-шароит, ўз навбатида, чет эллик инвесторларнинг юртимиз иқтисодиётига бўлган қизиқишини тобора оширмоқда. Натижада 24 йил мобайнида 2,2 млрд. долларлик хориж инвестициялари жалб этилиб, 180 дан ортиқ йirik инвестициявий лойиҳа-

лар ҳаётга татбиқ қилинди. Фақатгина охириги 3 йилда умумий қиймати 575,3 млн. долларга тенг, экспорт салоҳияти 215,8 млн. долларлик, 11,6 мингта иш ўрнига эга бўлган 92 та саноат қорхонаси ишга туширилди. Уларда тайёрланаётган замонавий дизайнли маъмурий либослар, эркалар, аёллар ва болалар кийим-кечакларига ташқи бозорда талаб тобора ортки бораётди.

Анжуманда, шунингдек, 2020 йилгача бўлган даврда амалга оширилиши белгиланган истиқболли лойиҳалар, уларнинг соҳа ривожига аҳамияти ҳақида ҳам аҳолига маълумот берилди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АНЖУМАН

Ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Уни асраб-авайлаш, ҳар қаричидан унумли фойдаланиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Кейинги йилларда мамлакатимизда ушбу соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, унинг ҳуқуқий асоси яратилди ва тизимда тегишли ҳужжатлар ижроси изчил таъминланапти.

Ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш

ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифадир

Пойтахтимизда "Ерgeoдекадастр" давлат қўмитаси томонидан ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, ер тузиш ишларини тартибли ташкил этиш, экин майdonлари шўрланишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар ҳақида сўз юритилди.

Қайд этилдики, қўмита мутахассислари Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-давалга асосан, жорий йилнинг олти ойида 207 та хўжалик юритувчи субъект-лардан ердан фойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказилди. Натижада 196 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолати аниқланди. 170 та юридик шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, улар 46 миллион сўм микдорида маъмурий жаримага тортилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида Низом" да белгиланган вазифалар ижроси ўрганилганда эса, 2604 ҳолатда қузатилган қонунбузилишларни бартараф

этиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа субъектлар раҳбарларига тегишли тақдирномалар киритилди.

Эътиборлиси, экин майdonлари ҳосилдорлигини оширишда Президентимизнинг 2013 йил 19 апрелдаги "2013 — 2017 йиллар даврида сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида Кенгаши томонидан давлат назорати тўғрисида Низом" да белгиланган вазифалар ижроси ўрганилганда эса, 2604 ҳолатда қузатилган қонунбузилишларни бартараф

Қайд этилдики, қўмита мутахассислари Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши томонидан тасдиқланган режа-давалга асосан, жорий йилнинг олти ойида 207 та хўжалик юритувчи субъект-лардан ердан фойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказилди. Натижада 196 та ҳолатда қонунбузилиш ҳолати аниқланди. 170 та юридик шахсга нисбатан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, улар 46 миллион сўм микдорида маъмурий жаримага тортилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисида Низом" да белгиланган вазифалар ижроси ўрганилганда эса, 2604 ҳолатда қузатилган қонунбузилишларни бартараф

Ҳел қимдан кам эмасми?

Таълимнинг "ўзбек модели" ҳар томонлама ноёб эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Буни ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятидан ҳам билса бўлади. Улар ўз билим ва истеъдоди билан бугун жаҳон аҳлини лол қолдирмоқда.

Ўқувчиларимизнинг аксарияти республика фан олимпиадаси, кўрик-танловлар ғолибдир. Шундан ҳам анғаласа бўладик, юртимизда ҳеч қимдан кам бўлмаган янги авлод камолга етаяпти. Улар бугун Ватанимиз шаъну шавкатини қўлларга кўтаришда.

Ўғиллоқ СУЛТОНОВА, Ангор туманидаги 3-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси.

Миллий электрон суд иш юритуви тизими кенгаймоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги "Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда "E-Sud" миллий электрон суд иш юритуви тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Бу тизимнинг асосий вазифаси суд электрон хизматларини шакллантириш, судлар очкилиги ва ошқоралигини таъминлаш ҳамда улар фаолиятига электрон ҳужжатлар алмашинувини жорий қилишдан иборат бўлиб, айни чоғда у ўзини ҳар жиҳатдан оқламақда.

— "E-Sud" миллий электрон суд иш юритуви тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан муваффақиятли ўтди, — дейди қўшма лойиҳа миллий координатори Холмўмин Ёдгоров. — Унинг икки йиллик фаолияти давомида жами 40 мингдан зиёд электрон тарздаги аризалар келиб тушди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 11 мингга

яқин суд буйруғи бериш тўғрисидаги ариза электрон шаклда қабул қилинди ҳамда судда кўриб чиқилди.

Лойиҳа экспертлари ушбу тизимнинг биринчи инстанция қўламини янада кенгайтирди, яъни даъво, шикоят ва махсус иш юритуви бўйича қўшимча функциялар ишлаб чиқилди ҳамда ҳисоботларни шакллантириш имкониятини яратдилар. Айни чоғда пойтахтимиздаги учта — фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур, Мирзо Улугбек ва Яккасарой туманлараро судлари "E-sud" тизимини йўлга қўйиш мақсадида зарур ускуналар билан жиҳозланди.

Таъкидлаш керакки, судлар фаолиятига АКТни татбиқ қилиш одил судлов очкилиги ва ошқоралигини, тизимдаги ҳужжат алмашинуви самарадорлиги ва тезкорлигини таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтиришга хизмат қилади.

Пресс-тур доирасида иштирокчилар фуқаролик ишлари бўйича Зангиота ва Мирзо Улугбек туманлараро судларида бўлиб, "E-Sud" миллий электрон суд иш юритуви тизими билан яқиндан танишдилар. Айни чоғда журналистлар учун маҳорат сабоқлари ҳам ташкил этилди.

З. ХОЛТУРАЕВ.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Бу борада, айниқса, янги маъно-мазмун касб этган ҳашарнинг аҳамияти юқори. Зеро, ҳашар тўғрисидаги гўзал диёримизнинг ҳар бир гўшаси — қишлоқ шаҳарларимизда изчил амалга оширилаётган эзгу ишлар кенг қулоч ёзади, худудларимиз обод қили-

ди. Унга кўра, маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ҳамда ховлилар атрофларини, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонларни ҳамда кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, дарактларга шакл бериш, худудларни маиший ҳамда қурилиш чикиндиларидан тозалаш ва бошқа юмушлар бажарилади.

ва ёлғиз қарияларга моддий ёрдамлар кўрсатилади. Айни чоғда юртдошларимизга байрам тўғрисида маиший хизмат шохобчалари, ишлаб чиқариш цехлари, маҳалла гузарлари ҳамда болалар спорт майдончалари ишга туширилади. Мазкур тадбирда ёшларнинг фаол қатнашини кутилаётгани,

Ҳамжиҳатлик ва бунёдкорлик

шу йилнинг 22-23 август кунлари бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашарида ўз ифодасини топади

ниб, ораста кўринишга келтирилади, янги иншоотлар фойдаланишга топширилиб, кўлаб иш ўринлари яратилади. Эҳтиёжманд инсонлар, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийлари ва ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, уларга давлат ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади.

Дарҳақиқат, давлатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтадиган умумхалқ хайрия ҳашари олдиндан юртимиздаги барча ташкилот, қорхона ҳамда муассасаларда мазкур тадбирни пухта ташкил этиш ва юқори савияда ўтказишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда худудий тузилмалари ва республикамиздаги 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳашар кунлари амалга ошириладиган кенг қўламли ва зифалар режаси ишлаб чиқил-

Айнан ҳашар кунлари маҳалла муҳитида шакланган ҳамда бугунги кунда ривожланиб бораётган ўзаро меҳр-оқибат, ақиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларга янада кўпроқ гамхўрлик кўрсатиш каби халқимизга хос эзгу аънавалар кенг ифодасини топади.

— Мустақиллик — бебаҳо қадрият. Ҳар биримиз учун унинг қадри юқсак, аҳамияти бекёёқ, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг ўринбосари Д. Усманов. — Энг улуг, энг азиз байрамимиз олдиндан ўтказилаётган умумхалқ хайрия ҳашарида 17,5 миллион нафарга яқин киши, жумладан, 10 миллион нафардан зиёд ёшларнинг иштироки этиши кутилаётгани ҳам ана шундан далолатдир. Уларнинг ёрдами билан қўчалар, йўл ва майдонлар ободонлаштирилади, ариқ ҳамда лотоклар тозаланади, дарактларга шакл берилади. Эҳтиёжманд оилаларга, ногирон

айниқса, эътиборга молик. Ҳашар фарзандларимиз қалбидан она-Ватанга ва истиқлол гоёларига садоқат, миллий урф-одат ҳамда қадриятларимизга ҳурмат, бир-бирига кўмаклашиш, инсонпарварлик каби эзгу туйғулари янада мустахкамлашга хизмат қилади.

Умумхалқ хайрия ҳашаридан тушадиган маблағларнинг аксарияти қисми "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини изчиллик билан давом эттиришга йўналтирилади. Мухтасар айтганда, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, яратувчанлик каби эзгу гоёларни ўзида муҳтасамлаштирган умумхалқ хайрия ҳашари кунлари қишлоқ ва шаҳарларимиз янада обод бўлади, кўнгилларга қувонч улоқшилади, савобли амаллар қўламин кенгайди. Пировардида мустақиллик байрамини обод манзилларда, кўтаринки кайфиятда кутиб оламиз.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

HALQ BANKI

Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли иқтисодийнинг қон томирига қўйилган банк тизими тубдан такомиллаштирилди ва мустақамланди.

ЮРТИМИЗ ТАДБИРКОРЛАРИ БАНКЛАР ЭЪТИБОРИДА

Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ривожини уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

ишга тушириш, зарур хом ашё ва материаллар сотиб олишга сарфланди. Натжидада 1500 га яқин иш ўринлари ташкил этилди.



Яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар туфайли бизнес фаолиятини бошлашга қарор қилдим, — дейди Жазомиров.

ли қўл меҳнати кўп талаб этилмайди, — дейди ушбу корхона раҳбари Ҳамидулло Султонов.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

иш ўрни яратилгани ана шундан далолат беради. Бундан ташқари, 29 миллиард сўм миқдордаги маблағ оилавий тадбиркорлик истиқболга йўналтирилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга кенгроқ жалб этиш, уларни доимий иш билан таъминлаш юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

— Парранда гўшти, туҳум кўпчиликнинг кундалик таомномасидан жой эгаллаган, — дейди Пешку кишлоқ ҳўжалик касб-хунар коллежи битирувчиси Турсунчи Сулаймонова.

Умуман, банк томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида касб-хунар коллежларининг 1600 нафардан ортқ битирувчиларига 17 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар берилди.

Банк матбуот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

24 СОАТ ИЧИДА

Жорий йилнинг январь — июль ойларида Хитой пойтахтида муқобил энергия ёрдамида ҳаракатланадиган 11 мингта автомобиль ишлаб чиқарилди.

Ишлаб чиқариш ҳажми ортди

Пекин статистика бошқармасининг маълум қилишича, бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 3,2 баробар кўп.



Умуман, биринчи ярим йилликда Хитойда муқобил энергияга мослаштирилган 98900 та машина ишлаб чиқарилиб, 2014 йилдагига қараганда 300 фоиз ўсиш эришилган.

Носозлик оқибати

Венесуэланинг Карабобо штатида йўловчиларни олиб кетаётган автобус ағанаб кетди.

Бахтсиз ҳодиса оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 29 нафар одам тан жароҳати олди.

лалар бўлиб, айни пайтда уларга тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

Энг узоқ авиақатнов



Бирлашган Араб Амирликларининг "Emirates" авиакомпанияси 2016 йилнинг 1 февралидан бошлаб, Дубай — Панама йўналишида парвозларни йўлга қўяди.

Бу дунёдаги энг узоқ авиақатнов бўлади. Яъни йўловчилар мазкур йўналишда сафарга чиқшса, 17 соату 35 дақиқа парвоз қилишади.

Шунингдек, "Emirates" жорий йил охиригача Орландо (АҚШ), Бамако (Мали), Болонья (Италия) ва Машҳад (Эрон) шаҳарларига янги авиақатновлар очишни ҳам режалаштирган.

Балиқларга сунъий қоя

Индонезия ҳукумати мамлакат ҳудудига кирувчи денгизда ноқонуний ов билан шугулланганлардан олиб қўйилган 34 та кемани чўктириб юборди.

Бу ҳақда "Jakarta Post" нашри хабар тарқатди. Ушбу сув транспорти воситалари Таиланд, Вьетнам, Филиппин ва малайзиялик браконьерларга тегишли бўлган.



Индонезия денгиз ма-салалари вазирлиги вакилининг таъкидлашича, чўктирилган кемалар балиқлар учун сунъий қоялар вазифасини ўтайди.

Қимматбаҳо коллекция

"Sotheby's" аукциони томонидан АҚШнинг Калифорния штати Лебл-Бич шаҳрида ўтказилган кимошди савдосида дунёдаги энг қиммат автомобиллар тўлими сотилди.

Аукционда 22 та ноёб машина русуми 67 миллион АҚШ долларига баҳоланган. Улардан айримларининг баҳоси, ҳатто, юзлаб автомобиллар нархига тенг.

Кимошдида харидор чиқмаган машиналар ҳам бўлди.

Хоризх матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

БУРУР

Бахти бутун одам

Шогирдим чизган расмларидан бирига "Бахти бутун одам" деб ном қўйибди. Тасвирга разм солдим. Тиниқ осмон, чарақлаб турган кўёш, ҳосилдан шохлари ларзон дарахтлар...

Аминжон ҚОДИРОВ, Ўзбекистон Бадий академияси Навоий вилояти бўлими раиси.

Коллеж битирувчилари учун имтиёз

"Касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш мақсадида ажратиладиган микрокредитлар имтиёзли фоизларда бўлиб, уларни олиш учун гаров талаб этилмайди".

БАНДЛИК

Тижорат банки тақдим этган йўриқномадаги ана шу жумлалар яқинда коллежни тамомлаган Файрат Қўшановни кизиктириб қўйди.

тадбиркорлик иштиёқида бўлган битирувчилар тижорат банклари билан имтиёзли микрокредитлардан фойдаланиш шартномаларини бево-сита шу жойинг ўзида имзосала имконига ҳам эга бўлиши.

Шунингдек, тадбир доирасида "Салар" шаҳарча фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи ёшлар ва аёллар учун меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилиб, унда тумандаги 30 дан ортқ ташкилот 624 та бўш иш ўрни билан катнашди.

Таъкидлаш лозимки, жорий йилда вилоятдаги 122 та касб-хунар коллежини 37 мингдан зиёд йигит-қиз 106 му-тахассислик бўйича та-момлади.

Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for 'KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ, offering legal and real estate services. Includes contact information: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.

Large advertisement for 'KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ, featuring 'Suxhondarё viloyati filiali'. Lists various auction lots with details on land, buildings, and vehicles. Includes contact info: (0-371) 228-84-48.

Advertisement for 'KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI' MCHJ, featuring 'Namanqan viloyati filiali'. Lists auction lots and contact information: (0-369) 227-97-01.

Advertisement for 'HALQ S'UZI' and 'EYLLONLAR' with contact details: 9.00 dan 18.00 gacha, 232-11-15, 236-09-25, E-mail: reklama@xs.uz

«Шарқ тароналари» дунё халқлари ўртасидаги дўстликни мустақамлашга кўмаклашмоқда»



Ҳадемай, Самарқанддаги машҳур Регистон майдонида жаҳон халқларининг куй-қўшиқлари яна янграй бошлайди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу йил ўнинчи мартаба ўтказилади. У бир неча кунлардан кейин дунёнинг эллиқдан зиёд мамлакатлари вакиллари ўз атрофида жамлаиди.

Ушбу муҳим тадбир арафасида «Жаҳон» ахборот агентлигининг Токиодаги мухбири «Шарқ тароналари»да иштирок этадиган япониялик санъаткорлар билан мулоқотда бўлди.

Томоко ЙОШИДЗУМИ, «Nagauta Yoshizumi-kai» мусиқа уюшмасининг бадий раҳбари:

— Бизнинг маданий гуруҳимиз 9 нафар чолғучидан ташкил топган. Улар кўна шамисен мусиқа асбобини чалишади. Самарқанд шаҳрининг тарихий маскани — Регистон майдонида бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли халқаро фестивалда япон мусиқасини ижро этиб, ўз санъатимизни ўзбек халқига ҳамда анжуманининг бошқа иштирокчиларига намойиш этиш биз учун жуда катта шарафдир.

Ўзбекистонда бой тарих ва кўп миллатли маданият мавжуд. Мамлакатингиз ҳудуди асрлар давомида илм-фан ва маърифат ўчоғи бўлиб инсониятга хизмат қилган. Қадимий Самарқанд ҳам бетакрор Шарқнинг ранглар уйғунлигини ўзида мужассамлаштирган Буюк Ипак йўлидаги тарихий марказ сифатида Японияда машҳурдир.

«Шарқ тароналари» дунё халқ-

лари ўртасидаги дўстликни ва бир-бирини тўғри тушунишни мустақамлашга кўмаклашмоқда. Шу билан бирга, мазкур маданий анжуман Ўзбекистоннинг тарихий меросини хорижий ўртларда оммалаштиришга ҳам хизмат қилади.

Геничи ТСУГЕ, Токио санъат университетининг фахрий профессори:

— Мустақил ривожланиш йиллари давомида Ўзбекистонда мусиқа санъатини қучур ўрганиш ва уни янада ривожлантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилади. Мамлакатда ёш истеъоддорни ўқитиш учун этиборга молик пойдевор шаклланди, мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда ушбу йўналишдаги коллеж ва лицейлар, маданият саройлари барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда ЮНЕСКО шафелигида ўтказиладиган анъанавий «Шарқ таро-

налари» халқаро мусиқа фестивали жаҳон мусиқа санъати ривожига бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Анжуман турли халқлар ва миллатлар вакиллари биллаштиришга, тинчлик ҳамда дўстликни мустақамлашга ва Ўзбекистоннинг халқаро обрў-этиборини оширишга хизмат қилмоқда.

Мен бундан ўн йил муқаддам мазкур фестивалда иштирок этишга муяссар бўлган эдим. Жорий йилда ҳам ушбу нуфузли маданий тадбирнинг иштирокчилари сафидан жой олганимдан беҳад бахтиёрман. Ишончим комилки, «Шарқ тароналари»нинг юбилей анжумани ўзига хос ва ёрқин воқеаларга бой бўлади.

Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида халқингизни ушбу улғу байрам билан кутлар эканман, тинчлик, муваффақиятлар ва фаровонлик тилайман.

«Жаҳон» АА.
Токио

Фарзандларга ҳамхўр юрт

Тўрт йил аввал қишлоғимизда янги мусиқа ва санъат мактаби қад ростлади. Ота-онам укам иккимизни шу даргоҳга ўқишга беришди. Машгулотларга киришиб кетиб, қисқа муддатда фортепьяно билан бемалол «тиллаша» оладиган бўлдим. Утган йили Италияда, жорий йил бошида эса МДХ мамлакатлари ёш мусиқачилари ўртасида ўтказилган халқаро танловда голиб бўлиб қайтдим. Чет эллик тенгдошларим билан суҳбатлашиб олган илк хулосам шуки, Ўзбекистондек фарзандларига гамхўр мамлакатда яшаш катта бахт экан!

Шохруҳ БАХТИЁРОВ,
Қибрай туманидаги
2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси.



Маданият хабарлари

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан юртимиз ҳудудларида «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!» гоясини ўзида мужассам этган маданий-маърифий тадбирлар уюштирилмоқда.

Қовун ва асал сайли

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида Бухорода қовун сайли ўтказиш яхши анъанага айланган. Бу галги тадбирда илк бор асаларичилар ҳам иштирок этгани унга бўлган қизиқишни янада оширди. Қовун ва асал сайлига чет эллик сайёҳлар ҳам ташриф буюрди.

АНЪАНА

— Юртингиз ҳақида кўп эшитгандим, — дейди испаниялик сайёҳ Мануэль Мартинес. — Аммо Ўзбекистон, жумладан, Бухорога келиб, кутганимдан ҳам зиёд таассуротларга эга бўлдим. Халқингиз жуда самимий экан. Бугунги тад-

тинч ва фаровон юртингизга жуда ярашади.

Айтиш керакки, бу йилги тадбирда вилоятдаги юздан зиёд фермер хўжаликлари ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Унга ташриф буюрганлар баргинай, амири, гулоби, кўкча сингари ўттиз навдаги қовунлардан татиб кўришди. Сайил якунида энг фаол дехқону асаларичилар ташкилотчилар томонидан тақдирландилар.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ОБОДЛИК

Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида жойларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Сўлим хиёбонда кўркам фаввора

Наманганда реконструкциядан чиқарилиб, янгича қўйлаб қасб этган Конституция хиёбони ҳам шаҳар аҳолиси учун айёмга муносиб тўхта бўлди. Ҳудуднинг гавжум даҳаларидан бирида жойлашган бу гўша эндиликда аввалгидан-да обод масканга айланди. Бу ерда кенг қўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, атрофга зеб бериб турган манзарали дараклар парваришини яхшилаш мақсадида алоҳида суғориш тизими барпо этилди. Хиёбон атрофи ҳамда ички йўлақлар четига ёритиш воситалари ўрнатилди. Айниқса, мусиқали фаввора масканга янада кўрк бағишлади.

— Қаранг, мусиқа садолари ва ранг-баранг ёритиш чирокларига уйғун ҳолда отилиб чиқаётган обихаёт атрофда микроклим ҳосил қилиб, кўнглига завқ улашади, — дейди Наманган шаҳрилик Дилфуза Каримова. — Унинг заррин жилоларидан дилингиз равшан тартади. Бундай роҳатбахш масканда бўлган кишининг руҳи тетиклашади, жону тани ором олади. Шаҳримизда ана шундай ажойиб фаввора қурилганидан беҳад мамнунимиз.

Айтиш жоизки, бугун вилоят марказида 58 та фаввора ишлаб турибди. Диаметри 18 метр, сув пуркаш баландлиги эса 20 метрни ташкил этув-

чи мазкур янги иншоот тобора чирой очиб бораётган шаҳар кўркига ўзгача кўрк қўшди. Уни бунёд этиш учун 450 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Янгиланган хиёбон ва мусиқали фаввора очилишига бағишланган тантанали маросим «Мустақил юрт оқшоми» номи бадий тадбир билан ўзгача мазмун қасб этди. Унда истиқлол йилларида аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик юмушлари хусусида сўз юритилди. Шундан сўнг пойтахтдан ташриф буюрган таниқли санъаткорлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов қатнашди.

Кудратилла НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қулайликдан аҳоли мамнун

Соғлиқни сақлаш вазирилик ташаббуси билан «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остида ташкил этилган чуқурлаштирилган тиббий кўрик Қашқадарё вилоятида ҳам юқори савияда ўтказилди.

ТИББИЁТ

«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида уюштирилган мазкур тадбирга ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, илмий текшириш институтлари ва тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларининг профессорлари, терапевт, хирург, кардиолог, невропатолог, офтальмолог, уролог, ортопед, травматолог каби малакали мутахассислар кенг жалб этилди.

— Даставвал чуқурлаштирилган тиббий текширувга эҳтиёжи бор бе-

морлар рўйхати шакллантирилгани ушбу акция самарадорлигини таъминлади, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи вази фасини бажарувчи Умида Ғозиева. — Шунингдек, ҳафталикни ўтказишда барча туман марказларида қуриб битказилган ҳамда «Саломатлик — 3» лойиҳаси доирасида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кўп тармоқли поликлиникалар имкониятларидан кенг фойдаланилди.

«АСАКА» БАНКИ

САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КўПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.

www.asakabank.com

БАРЧА ОМОНАТЛУР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.

Хизматлар лицензияланган.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

Хурматли юртдошлар!

«АСАКА» банки

яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни байрами муносабати билан қўйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«МУСТАҚИЛЛИК – 2015»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тузатилишидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 25 ҳамда хорижий валютада 17 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.

Мазкур омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	0-371	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	0-371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	0-371	140-39-36
Юнусобод филиали	0-371	221-80-67
Сергели филиали	0-371	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	0-371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	0-374	223-60-74
Асака филиали	0-374	233-21-99
«Фарход» филиали	0-374	226-96-63
Фаргона вилояти филиали	0-373	244-39-14
Марғилон филиали	0-373	237-62-23
Олтиариқ филиали	0-373	432-19-80
Кўзон филиали	0-373	542-61-01
Наманган вилояти филиали	0-369	225-44-03
Навоий вилояти филиали	0-436	770-21-29
Зарафшон филиали	0-436	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	0-365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	0-365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	0-366	233-65-47
«Афросиёб» филиали	0-366	221-75-40
Қашқадарё вилояти филиали	0-375	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	0-376	224-00-16
Қорақалғонiston филиали	0-361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	0-362	224-14-81
Сирдарё вилояти филиали	0-367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	0-372	226-43-11

Фаровон турмуш қадри

Ана шундай тадбирлардан бири Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан Денов тоғ-кон металлургия саноати касб-хунар коллежида ўтказилди. Унда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида истиқлол йилларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани ва уларнинг самараси ҳар бир юртдошимиз ҳаётида ўз аксини топаётгани, бугунги осуда ва фаровон турмушнинг қадрига етиш лозимлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида Термиз шаҳри ҳамда Денов туманларидаги ёлғиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож нуронийларга Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эсдалик совғалари топширилди. Сароисийё туманидаги аёллар Мурувват уйига ҳам хомийлик ёрдами кўрсатилди.

Нормурод ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёшларимиз халқаро танлов голиби

Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби талабалари Дилором Мадрахимова ҳамда Шерзод Кенжебаев «Bulgaria Open – 2015» халқаро болалар ва ёшлар ижодиёти кўрик-танловида голибликни қўлга киритди.

Болгариянинг Несебър ва Обзор шаҳарларида ўтказилган ушбу тадбирда Шерзод энг юқори соврин — Гран-прини қўлга киритган бўлса, Дилором «Халқ рақси» йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилди.

Дилфуза ҚАРШИБОВЕВА.

Мароқли ҳордиқ

Олтинқўл туманининг Қўштепасарой қишлоғида бўш турган бино муқаммал таъмирланиб, маданият ва аҳоли дам олиш марказига айлантирилди. Унинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

— Бунёдкорлик ишларига 242 миллион сўм сарфланди, — дейди марказ раҳбари Умида Ғолипова. — Шунингдек, бу ерда 62 миллион сўмлик жиҳозлар келтириб ўрнатди. Ҳозир қишлоғимизда истиқомат қилаётган 31 минг нафар аҳоли бу қўлайликдан жуда мамнун. Қолаверса, марказимизда ташкил этилган 6 та тўғарак фаолияти маҳаллий ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида хизмат қилади.

Этиборлиси, ушбу маскан фаолият бошлаши муносабати билан олтига кам таъминланган оила фарзандларининг хатна тўйлари ҳам ўтказилди.

Сандоҳмад ШУКУРОВ.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Гезитимиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Навбатчи — Ю. Бурунов.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5